



МАВЗУ: МУЛК СОЛИГИ

РЕЖА:

1. Юридик шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғи тўловчилар ва солиққа тортиш обьекти.
2. Юридик шахслар тўлайдиган мол-мулк солиғидан имтиёзлар.
3. Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солик ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби.
4. Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғи тўловчилари ва солик солинадиган обьектлар.
5. Жисмоний шахслар учун белгиланган имтиёзлар.
6. Жисмоний шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғи ставкаси, солиқни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.12.2018 йилдаги 4086-сонли қарори.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солик Кодекси. Т.-Адолат 2008.
3. Маликов Т.С. Соликлар ва соликқа тортишнинг долзарб масалалари.-Тошкент: Академия, 2002. -204-б.
4. А.С.Жўраев ва бошқалар. Соликлар ва Соликқа тортиш. Ўқув қўлланма. Т. – “Norma” 2009. -184 б.

Ўзбекистонда корхоналар фаолиятини солиққа тортиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири корхоналарнинг мол-мулкига солинадиган солиқнинг жорий қилиниши бўлди. Мол-мулк солиғи дастлаб, Ўзбекистон Республикасининг **1991 йил 15 февралда қабул қилинган “Корхоналар, бирлашималар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида” ги Конунига асосан жорий этилди** ва шу билан бирга корхоналарнинг ишлаб чиқариш фондларига тўлов ҳамда транспорт воситаларига солинадиган солиқ бекор қилинди.

Хозирги вақтда ушбу солиқнинг ҳукуқий асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, “Давлат солиқ хизмати тўғрисида” ги конуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ҳамда бошқа солиқ қонунчилиги билан боғлиқ бўлган меъёрий ҳужжатлар ҳисобланади.

Ўзбекистон солиқ тизимида юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи **тўғри солиқлар таркибига киради** ва моҳиятига кўра бу солиқ асосий фондлар шаклидаги ресурсларга нисбатан белгиланган солиқ ҳисобланади. Мазкур солиқ бўйича тушумлар суммаси тўлик **маҳаллий бюджетларга тушади** ва у бюджетнинг барқарор даромад манбаларидан бири ҳисобланади.

Мамлакат солиқ тизимида мол-мулк солиғини жорий қилишдан кўзланган мақсад

биринчидан, корхоналар ўзларининг хўжалик фаолиятини юритишда ортиқча ва фойдаланилмаётган мол-мулкини сотишга қизиқишини уйғотиш бўлса, **иккинчидан**, корхоналар балансидаги мол-мулқдан самарали фойдаланишни рағбатлантиришдан иборат.

Чунки, корхоналарнинг маънавий ва жисмоний томондан эскирган асосий воситаларини янги, илғор технология-ускуналар билан янгилаши ишлаб чиқарилаётган товарларнинг баҳосини арzonлаштиради ва рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга имкон беради.

Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилар куйидагилар- дир:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг резидентлари;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикасида фаолиятни доимий муассаса орқали амалга ошираётган ва (ёки) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз мулкида кўчмас мулкка эга бўлган юридик шахслар - Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари. Агар кўчмас мулк мулкдорининг жойлашган ерини аниqlаш имкони бўлмаса, бу мол-мулк қайси шахснинг эгалигида ва (ёки) фойдаланишида бўлса, шу шахс солиқ тўловчиидир.

Қуидаги мол-мулк солиқ солиш объектидир:

- 1) асосий воситалар, шу жумладан молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича олинган асосий воситалар;
- 2) номоддий активлар;
- 3) тугалланмаган қурилиш объектлари. Тугалланмаган қурилиш объектлари жумласига қурилиши шу объект қурилишига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда ниҳоясига етказилмаган объектлар киради;
- 4) белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар. Белгиланган муддатда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар жумласига монтаж қилиниши талаб этиладиган ҳамда реконструкция ва (ёки) модернизация қилинаётган объектларда лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган муддатларга мувофиқ капитал қўйилмалар ҳисобига ишга тушириладиган асбоб-ускуналар киради. Лойиҳа-смета ҳужжатларида асбоб-ускуналарни ишга тушириш муддатлари бўлмаган тақдирда, буюртмачи сифатида иш кўраётган юридик шахснинг раҳбари томонидан тасдиқланган муддатлар солиқ солиш обьектини белгилаш учун қабул қилинади, лекин бу муддатлар асбоб-ускуналар монтаж қилишга топширилган пайтдан эътиборан бир йилдан кўп бўлмаслиги керак.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғининг ставкалари ҳар йили кейинги молия йил учун тасдиқланадиган 2019 йилги асосий макроиқтисодий қўрсаткичлар прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг №4086 сонли қарори асосида белгиланди. 2018 йил 1 январдан бошлаб юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи ставкаси 5 фоиз миқдорида белгиланган.

Юридик шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи СТАВКАЛАРИ

T/p	Тўловчиilar	Солиқ солинадиган базага нисбатан %ларда солиқ ставкаси
1.	Юридик шахслар	2

Изоҳ: Меъёрий муддатларда ўрнатилмаган ускуналар учун мол-мулк солиги икки баравар миқдорда тўланади.

Солиқ ставкаси мол-мулкнинг қайта баҳолаш натижасидаги қолдиқ нархига қўлланилади. Қайта баҳолаш мақсадида корхоналарнинг асосий воситалари деганда қуидагилар тушунилади:

- ўзининг асосий воситалари;
- ўрнатиладиган ускуналар;
- тугалланмаган қурилиш обьектлари;
- узок муддатга ижарага олинадиган, шу жумладан узок муддатли лизинг бўйича олинган асосий воситалар.

Асосий воситалар қиймати ҳар йили 1 февралга қадар асосий воситаларнинг 1 январ ҳолатига қараб қайта баҳоланади. Қайта баҳолаш чоғида корхона мутахассис экспертларини жалб қиласи.

Ер участкалари ва табиатдан фойдаланиш обьектларининг қиймати қайта баҳоланмайди.

Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра қўйидаги юридик шахсларнинг мол-мулкига солиқ солинмайди:

а) нотижорат ташкилотларнинг мол-мулкига (тадбиркорлик фаолияти учун фойдаланиладиган мол-мулкдан ташқари).

Солиқка тортиш мақсадида нотижорат ташкилотлар деганда қўйидагилар тушунилади:

- фақат давлат бюджети маблағлари ҳисобига молияланадиган, тасдиқланган сметалар доирасида харажатларни қоплашга бюджетдан дотациялар оладиган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар;

- хайрия бирлашмалар, уюшмалар ва жамғармалар, халқаро ташкилотлар, диний бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар:

1) ижтимоий-хайрия ёки бошқа мақсадлар учун барпо этилган, тадбиркорлик фаолияти учун даромад олишни кўзламаслиги таъсис ҳужжатларида қайд этилганлари;

2) молиявий ва бошқа маблағларни мазкур ташкилотнинг ходимлари, муассислари ёки аъзоларининг шахсий манфаатлари учун тақсимламайдиган ва инвестицияламайдиганлари (мехнат учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдирлашлардан ташқари);

- б) халқ таълими ва маданият муассасалари эҳтиёжлари учун фойдаланиладиган мол-мулкка;
- в) уй-жой-коммунал хўжалиги ва бошқа умумфуқаровий аҳамиятга молик шаҳар хўжалигининг мол-мулкига.
- г) ногиронларнинг жамоат бирлашмалари, "Нуроний" жамғармаси ва "Ўзбекистон чернобилчилари" уюшмасининг мулкида бўлган, ишловчилари умумий сонининг камида еллик фоизини ногиронлар ташкил қилган юридик шахсларнинг мол-мулкига;
- д) янги ташкил этилган юридик шахсларнинг мол-мулкига, рўйхатдан ўтган пайтидан эътиборан икки йил мобайнида. Мазкур имтиёз тугатилган (қайта ташкил этилган) корхоналар, уларнинг филиаллари ва таркибий бўлинмаларининг ишлаб чиқариш қувватлари ва асосий фондлари негизида ташкил этилган корхоналарга, шунингдек корхоналар ҳузурида ташкил этилган юридик шахсларга нисбатан, башарти улар ана шу корхоналардан ижарага олинган асбоб-ускуналарда ишлаётган бўлсалар, қўлланилмайди;

Солиқни ҳисоблаб чиқариш, солиқ ҳисоб-китобларини тақдим этиш ва солиқни тўлаш тартиби

Юридик шахслар бюджетга жорий тўловлар суммасини ҳисбот йили молмулкининг ўртacha йиллик қолдиқ қийматидан ва белгиланган солиқ ставкасидан келиб чиқиб мустақил равишда ҳисоблайдилар.

Бюджетга жорий тўловларни тўлаш ҳар ойнинг 20-кунидан кечиктирмай, йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдорида тўланади.

Биринчи чорак, ярим йил, 9 ой ва йил тугаганда тўловчилар мустақил равишда молмулк солиғини ўсиб борувчи якун билан, ҳисбот даврида мол-мулкнинг ўртacha қолдиқ қийматидан келиб чиқиб, ҳисоблаб чиқадилар ва ҳисбот давридан кейинги ойнинг 25-санасидан, йил якунлари бўйича йиллик молия ҳисботларини тақдим этиш муддатидан кечиктирмай объект жойлашган жойдаги давлат солиқ органларига белгиланган шаклда (7-илова) тақдим этадилар. Мол-мулк солиғининг ҳисобланган суммаси ҳисоб-китобни тақдим этиш учун белгиланган кундан кечиктирмай тўланади. Акс ҳолда ҳар бир кечиктирилган кун учун ҳисобланган солиқ суммасига нисбатан 0,05 фоиз миқдорида пеня (молиявий жарима) қўлланилади.

Мол-мулк солиғи ҳисобланганда бухгалтерияда давр харажатларини ҳисбога олиш ҳисобварағи дебитланади, бюджетга тўловлар бўйича қарзларни ҳисбога олиш ҳисобварағи кредитланади.

Жисмоний шахслардан олинадиган мол-мулк солиғи

Солик кодексига кўра солик солинадиган мол-мулкга эга бўлган жисмоний шахслар, чет эл фуқаролари, шунингдек юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда тузилган дехқон хўжаликлари **жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўловчилари бўлиб ҳисобланишиади.**

Жисмоний шахсларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган уй-жойлари, квартиralари, чорбоғ ва боғ уйлари ва бошқа имаратлари, бинолар ва иншоотлари қиймати **солиқ солиши объекти ҳисобланади.**

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкини инвентаризация қилиш қиймати **солиқ солиши база бўлиб ҳисобланади.** Агар жисмоний шахсларнинг мол-мулкини баҳоси тегишли ваколатли идоралар томонидан аниқланмаган бўлса, бундай ҳолатда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан мол-мулкнинг шартли қиймати белгиланади ҳамда ўрнатилган ставкалар асосида солиқка тортилади.

2019 йил 1 январдан жисмоний шахслар мол-мулк солифининг ставкалари қуидагида белгиланган:

Жисмоний шахслар мол-мулк солиғи СТАВКАЛАРИ

Солиққа тортиш объекти	Мол-мулкнинг инвентаризация қийматига нисбатан солиқ ставкаси
Тураржойлар, квартиралар, дала ҳовли ва боғ уйчалари, гаражлар ва бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар уларнинг қийматидан келиб чиқиб (200 кв.метргача шаҳар жойларида)	0,2
Шаҳар жойларида уй жой ва квартираларинг умумий майдонига	
200 кв м дан 500 квм гача	0,25
500 кв м. дан юқори	0,35

**Солик қонунчилигига кўра қўйидаги жисмоний шахсларнинг
мулкида бўлган иморатлари, бинолари ва инишоотларига
солик солинмайди:**

- а) "Ўзбекистон Қаҳрамони", Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Мехнат қаҳрамони унвонларига сазовор бўлган, учала даражали Шуҳрат ордени билан тақдирланган фуқароларнинг;
- б) 1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчилари ва партизанлари, уларга тенглаштирилган шахслар, ички ишлар ва давлат хавфсизлиги органлари таркибида хизмат қилган шахсларнинг, ҳаракатдаги армия таркибиға кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда штатдаги лавозимларни эгаллаган шахслар, Ленинград шаҳри қамалида бўлганларнинг ва концентрацион лагерларнинг собиқ ёш тутқунлари, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда вақтинча бўлган қўшинларнинг чекланган контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синов йиғинларига чақирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг;
- в) ўн нафар ва ундан ортиқ фарзанди бор аёлларнинг;
- г) Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерга вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган фуқароларнинг);

д) солиқ солинмайдиган майдон ўлчами доирасида пенсионерларнинг, шунингдек I ва II гурух ногиронларининг;

е) муддатли хизмат ҳарбий хизматчилари ва уларнинг оила аъзоларининг - хизматни ўташ даврида;

ж) ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажаришда ярадор, контузия бўлганлик ёки шикастланганлик оқибатида ёки фронтда бўлиш туфайли орттирилган касаллик оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг ота-оналари ва бошқа турмуш қурмаган рафиқаларининг (ерларининг);

г) Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда иштирок этганлик учун имтиёзлар олаётган фуқароларнинг (шу жумладан, у ерга вақтинча ёки хизмат сафарига юборилган фуқароларнинг);

Юқорида назарда тутилган имтиёзлар мол-мулк эгасининг танлашига биноан, имтиёз олиш ҳуқуқини берувчи зарурий хужжатлар солиқ органларига тақдим этилганда, мол-мулкнинг фақат бир обьектига тааллуқли бўлади. Бунда мол-мулк имтиёз олувчининг мулки бўлган ҳоллардагина тақдим этилади.

Жисмоний шахслардан солиқни ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби



Бир неча мулкдорнинг улушбай асосидаги умумий мулки бўлган иморатлар, бинолар ва иншоотлар учун мол-мулк солиғи ҳар бир мулкдор томонидан ушбу иморатлар, бинолар ва иншоотлардаги улушкига мутаносиб равишда тўланади. Янги иморатлар, бинолар ва иншоотлар бўйича солик улар барпо этилган ёки олинган йилдан кейинги йилнинг бошидан эътиборан тўланади.

Мол-мулк солиғини тўлаш ҳақидаги тўлов хабарномалари тўловчиларга давлат солик хизмати органлари томонидан ҳар йили 1 майдан кечиктирмай топширилади. Ҳисобланган йиллик солик миқдори тенг улушларда икки муддатда - 15 июн ва 15 декабрдан кечиктирмай маҳаллий бюджетга тўланади.

Агар солик тўловчи томонидан ортиқча суммалар тўланган бўлса, солик ва йифимлар бўйича қарзлар мавжуд бўлмаса, ушбу суммалар унинг ёзма аризасига кўра ўттиз кун ичida солик тўловчига қайтарилади ёки бўлғуси тўловлар ҳисобига қайд этилади.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солик тўловчилари ҳисоби давлат солик хизмати органлари томонидан ҳар бир йилнинг 1 январидаги ҳолат бўйича шаҳар ва туманлар бўйича, техник инвентаризациялаш ҳудудий кадастр бюросида мавжуд бўлган иморатлар эгалари тўғрисидаги маълумотларга биноан ўtkазилади.

**Эътиборларингиз учун
рахмат!!!**